*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 15 февраль 1974 йил жума ◆ № 39 (15.819). ◆ Баҳоси 2 тийин.

# „МОСФИЛЬМ" БАЙРОҒИДА ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ

«Мосфильм» студиясининг беш минг кишилик коллективи кўп миллатли кинематографиямиз хазинасига муносиб ҳисса қўшмоқда. «Мосфильм» ташкил этилган кунга 50 йил тўлди. Совет кино санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун студия СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Октябрь революция ордени билан мукофотланди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг студияга йўллаган табрикномаси мосфильмчилар учун илҳомбахш ижодий стимул бўлиб қолди.

13 февралда Кремлдаги Съездлар саройида студиянинг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Мосфильмчилар билан биргаликда бу залга Иттифоқдош республикалар экранларининг усталари, санъат ва маданият арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, жамоатчилик вакиллари тўпланишди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро, СССР Министрлар Советининг кинематография Давлат комитети раиси Ф. Т. Ермаш, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари, кино санъатининг таниқли арбоблари, социалистик мамлакатлар кинематографчилари делегацияларининг раҳбарлари ўтиришибди.

Мажлисни студия партия комитетининг секретари **И. В. Дмитриев** очди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини ғоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Мажлис қатнашчилари саммий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Н. В. Подгорний** нутқ сўзлади.

## Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Совет кино санъатининг тўнғич макони — «Мосфильм» студиясига шу тантанали вазиятда Октябрь революция ордени топшириш менга зўр мамнуният бахш этади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг табрикномасида, СССР Олий Совети Президиумининг фармонида «Мосфильм»нинг катта хизматлари, унинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига қўшиб келаётган ҳиссаси муносиб равишда таҳдирланган. Студияда яратилган ва ватанимиз кинематографиясини, жаҳон прогрессив киносини ривожлантиришга чуқур таъсир кўрсатган асарлар юксак баҳоланган.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан сизларни, мосфильмчи ўртоқларни — сценарийчилар ва актёрларни, режиссёрлар ва операторларни, рассомлар ва композиторларни, кино ишлаб чиқариш мутахассислари ва цехларнинг ходимларини — бутун кўп минг кишилик коллективни студиянинг юбилейи билан, Ватаннинг юксак мукофоти билан самимий табриклайман.

«Мосфильм» киностудияси ярим аср мобайнида мингдан ортиқ бадиий фильмни экранларга чиқарди. Уларнинг энг яхшилари социалистик реализмнинг чинакам классик асарлари бўлиб қолди, мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди. «Броненосец «Потемкин», «Биз Кронштатданмиз», «Ленин Октябрда», «Ленин 1918 йилда», «Солдат тўғрисида баллада», «Инсон тақдири», «Коммунист», «Раис», «Халоскорлик» сингари машҳур асарлар ҳамда тематикаси, жанри ва ижодий услуби жиҳатидан ҳар хил бўлган бошқа кўпгина фильмлар совет халқи маънавий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Бу фильмлар янги инсонни тарбиялаб вояга етказишда, коммунистик жамият қурилишида партияга актив ёрдам бериб келди ва ёрдам бермоқда.

Коллективингизнинг шонли ижодий анъаналари мосфильмчиларнинг илк авлоди студияга революциядан аввалги фирмалардан қолган ибтидоий устахонада картиналарни суратга ола бошлаган узоқ йилларда таркиб топа бошлаган эди. Сизлар партия билан халқнинг совет бадиий маданияти тўғрисидаги ғамхўрлиги туфайли бар по этилган ва жуда яхши жиҳозланган кино шаҳрида ишлаб, ана шу анъаналарни давом эттирмоқдасизлар ва ривожлантирмоқдасизлар. Партиявий эътиқодлилик ва жўшқинлик, халқ ҳаёти билан чамбарчас алоқада бўлиш, юксак бадиий маҳорат — айни шу хислатлар, айни шу анъаналар «Мосфильм»нинг энг яхши картиналарига хосдир. Бу энг яхши картиналар совет кинематографияси социалистик санъат тарихига олтин сатрлар бўлиб ёзилди. Ажойиб кино усталари экранда гавдалантирган қаҳрамонларни миллион-миллион кишилар севиб қолдилар. Сизларнинг студиянгиз ва мамлакатдаги бошқа киностудиялар яратган санъат обидалари одамларнинг онги ва қалбига зўр таъсир ўтказмоқда.

Владимир Ильич Ленин совет кинематографияси эндигина ривожланиб келаётган пайтда «Барча санъатлар орасида биз учун энг муҳими кинодир» деган эди. Дарҳақиқат шундай. Бу машҳур фикрни бизнинг экранимиз ўзининг бутун тарихи билан, ўзининг бутун бадиий тажрибаси билан исботлаб берди. Кинонинг оммавийлиги, одамларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш кучи, ундаги эстетик воситаларнинг ранг-баранглиги ва тушунарлилиги туфайли кино санъати коммунистик дунёқарашни, Совет жамиятининг юксак ахлоқий принципларини шакллантиришда ҳақиқатан ҳам жуда катта имкониятларга эгадир.

Бизнинг воқелигимизни киносиз тасаввур қилиб бўладими? Ҳозир кино турмушнинг истисносиз барча соҳаларига кириб бормоқда. Энг яхши кино асарларининг қаҳрамонлари бамисоли экрандан ҳаётга аралашиб, замондошимиз ёнидаги воқеаларда қатнашаётгандек бўлмоқда, унинг дўсти ва маслаҳатгўйи бўлиб қолмоқда. Таъбир жоиз бўлса, ҳозирги замон кинематографияси миллион-миллион совет кишилари учун ўзига хос ҳаёт университетига айланиб қолди.

Кинематография қисқа вақт мобайнида катта йўлни босиб ўтди, унинг техникавий услублари ва бадиий ифода воситалари хазинаси беқиёс бойиди. «Буюк соқов» овозли кинога айланди, қора-оқ лента ёнига рангли тасвир қўшилди, унинг ифода тили анча такомиллашди. Ҳозирги замон кино камераси коинотнинг бепоён бўшлиқларига ва микродунё сирларига назар ташлай олгани каби инсон қалбининг энг нозик торларига ҳам тегиб, дунёда содир бўлаётган энг мураккаб социал жараёнларни ҳам фаҳмлаш имконини бермоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси кинони партиямиз қўлидаги энг самарали ва нозик мафкуравий қуроллардан бирига айлантиради.

Кейинги йилларда кино билан бир қаторда телевидение кенг равишда ривож топди. Бир вақтлар телевидениени кинематографиянинг рақиби деган ва ҳатто у кинони бутунлай қисиб чиқариши мумкин деган фикрлар айтилган эди. Бироқ, бу хавфсирашлар асоссиз эканлигини турмуш кўрсатди. Телевидение кининонг иттифоқчиси ва сафдоши бўлиб қолди, маълум даражада кининонг рақиби деса ҳам бўлади, аммо у кинематографиячиларга ўз маҳоратларини ўткирлаштиришга ёрдам берадиган рақобатчидир.

Бундай ижодий ҳамдўстлик телевизион репертуарнинг бадиий савиясини оширишга кўмаклашиши шубҳасиз. Шуни эслатиш кифоя қиладики, кўпгина совет киностудиялари, жумладан «Мосфильм» ҳам марказий телевидениенинг буюртмаси билан картиналарни суратга олмоқда, уларнинг баъзи бирлари жамоатчиликнинг зўр таҳсинига сазовор бўлишга ҳам улгурди. Бизнинг шароитимизда кино билан телевидение ижодий мусобақа йўлида бирбирини тўлдириб ва бойитиб, ривожланмоқда ва такомиллашиб бормоқда. Телетомошабинлар ҳам, кинотеатрларнинг томошабинлари ҳам доимо кўпайиб бораётганлиги бунинг энг яхши исботидир.

Ҳамиша бўлганидек, совет киноси оммавий томошабинларга хизмат қилмоқда. Икки юз эллик миллионли совет кишиларининг тенг ярмиси ўзларининг касби-кор соҳасидаги қизиқишлари қандайлигидан, ёшлари ва шахсий дидларидан қатъий назар, талабчан ва минпатдор кино шинавандалари бўлиб қолган, десам хато бўлмайди деб ўйлайман. Кинотеатрларимизнинг залларига ҳар йили беш миллиард киши киради, бундан ҳам кўпроқ киши фильмларни телевидение орқали кўради, Совет картиналарини чет элларда томоша қилаётган миллион-миллион кишиларни ҳам уларнинг ёнига қўшмоқ керак. Экран усталари ҳар бир кадр учун нақадар зўр масъулият туйғусини сезишлари кераклиги ана шундан кўриниб турибди!

Бугунги байрамда ҳақли равишда айтиш мумкинки, бизнинг кинематографчиларимиз ўзларининг партиявий ва ижодий бурчларини ўз талантлари, ўз қобилиятлари даражасида адо этишга интилмоқдалар. Партия, халқ буни билади ва муносиб равишда қадрлайдилар.

Ўртоқлар!

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи шонли меҳнатчиларимизнинг барча отрядлари — ишчилар, қолхозчилар, фан-техника соҳасидаги ва ижодий зиёлилар олдига янги талабларни қўймоқда. «Мосфильм» студиясининг юбилейи шонли даврда, совет халқи КПСС XXIV съезди улуғвор режаларини амалга ошириш учун сабот билан фидокорона ишлаётган бир пайтда нишонланмоқда. Партия Марказий Комитетининг декабрь Пленуми тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йиллари ва учинчи, ҳал қилувчи йили натижаларини чуқур анализ қилди. Партиянинг аниқ мақсадни кўзлаб олиб бораётган жуда катта ишлари, совет кишиларининг қаҳрамонона куч-ғайратлари туфайли ўтган йили саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, съезднинг социал программасини бажаришда катта муваффақиятларга эришилди.

Айни вақтда Пленум ҳали ҳал этилмаган вазифаларга асосий эътиборни жалб қилди, совет экономикасини ривожлантиришнинг янги марраларини белгилаб берди. Бунда гап аввало ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини тезроқ жорий этиш, планлаштириш механизмини, мураккаб халқ хўжалик комплексини бошқаришнинг бутун ишини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида бораётир. Беш йиллик тўртинчи йили планларини тўла ва ошириб бажариш учун бошланган курашнинг ҳозирги босқичида ҳар бир меҳнатчининг ва ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг ижодий активлигини ошириш, социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мусобақадан кузатилган бош мақсад — меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда оммаанинг ташаббускорлигини ривожлантиришдир. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида айни шу вазифа биринчи ўринга қўйилган Совет кишилари бу Мурожаатни тўла-тўкис маъқуллаб қутиб олдилар. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар фақат меҳнатгина барча муваффақиятларимизнинг туб негизи, муттасил олга томон қиладиган ҳаракатимизнинг манбаи эканлигини, Совет давлатининг қудратини, жамият бойлигини кўпайтириш, халқнинг турмуш даражасини ошириш суръатлари план топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга боғлиқ эканлигини яхши тушунадилар.

Мамлакат олдида турган улуғвор вазифаларни бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш, КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига ижодий ишлар билан жавоб бериш — совет киноси усталарининг шон-шараф ишидир. Экран меҳнат аҳлларига ҳурмат туйғусини кучайтириши, илҳом билан ишлаб, ўзининг бутун ақл-идроки ва қалб қўрини ишга бағишлай оладиган кишиларнинг обрўсини юксак даражага кўтариши лозим. Кинематограф совет кишиларининг ўз меҳнат бурчларини бажариш йўлидаги, ишга ижодий ўқчун, маҳорат, ихтиёрчилик, ташаббускорлик жўшқинлигини киритиш йўлидаги интилишини қўллаб-қувватлаши ва ривожлантириши мумкин ва лозим. Кино ходимлари бу вазифани муваффақиятли равишда уддалашларига шак-шубҳа йўқ!

Маълумки кейинги йилларда Совет Иттифоқининг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг ташқи сиёсати катта муваффақиятларга эришди. Жаҳондаги вазият кескинликни юмшатиш, халқларнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш сари сезиларли равишда ўзгариб бормоқда. Социализм позициялари, миллий озодлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларнинг позициялари янада мустаҳкамроқ бўлиб қолмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг яқинда Кубага қилган визити бу йўлдаги янги катта қадам бўлди. Бу визитни бутун совет халқи якдиллик билан маъқуллади ва у мамлакатимизда ҳамда чет элларда зўр ижтимоий таъсир ўтказди.

Халқаро майдонда содир бўлаётган қувончли ўзгаришлар, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари тобора кенг қўламда амалий равишда қўлланилаётганлиги — ғоят мураккаб ва зиддиятли жараён эканлиги равшан, албатта. Империалист доиралар, ҳамма тусдаги реакционерлар, маочилар дунёдаги ижобий ўзгаришларга халақит беришга, «совуқ уруш» вазиятини қайта тиклашга уринмоқдалар. Социализм билан капитализм ўртасидаги мафкуравий кураш тобора кескинлашмоқда, хилма-хил тус олмоқда ва тобора кучайиб бормоқда. Ғоялар курашида совет кинематографияси бебаҳо роль ўйнайди. Кино ҳозирги дунёда жўшаётган мафкуравий жангнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

**(Давоми иккинчи бетда).**

# БУЮК ҚАРДОШЛИК ТАРОНАЛАРИ

*Қорақалпоқ диёрида РСФСР адабиёти ва санъати байрами давом этмоқда*

**Олег ШЕСТИНСКИЙ,**
**РСФСР Ёзувчилар союзининг секретари:**

— Биз қўшлоқ байрам — Қорақалпоғистоннинг Россияга қўшилганига 100 йил тўлиши тантаналарида ва Қорақалпоғистонда РСФСР адабиёти ва санъати кунларида қатнашаётганлигимиздан беҳад хурсандмиз. Баҳриқуёш ва дўстпарвар қорақалпоқларга катта раҳмат!

## АМУДАРЁ УЗРА РУС ҚЎШИҚЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

НУКУС, 14 февраль. (ЎзТАГ **махсус мухбирлари**) Қорақалпоғистонда Россия Федерацияси адабиёти ва санъати кунлари эмблемаси туширилган ўнлаб машиналар эрта тонгданоқ Нукусдан Автоном республика районларига жўнаб кетди.

РСФСР ёзувчилари, композиторлари, санъат арбоблари пахтакорлар ва чўпонлар ҳузурида меҳмон бўладилар, Тахиатош энергетиклари, гидроқурувчилари билан учрашадилар.

Адабиёт ва санъат кунлари программасига мувофиқ меҳмонлар Т. Г. Шевченко номидаги Қорақалпоғистон Давлат педагогика институти, Нукус музика-хореография билим юрти студентлари билан ижодий учрашувлар ўтказишади.

К. Станиславский номидаги Қорақалпоғистон Давлат музикали драма ва комедия театрида РСФСР санъат усталари иштирокида катта концерт бўлади.

**ТАМАРА КОНОВА,**
**РСФСРда хизмат кўрсатган артист:**

— Сизларга бахт ва саодат тилайман!

**ГЕОРГИЙ ЖЖЕНОВ,**
**РСФСРда хизмат кўрсатган артист:**

—«Совет Ўзбекистони» ўқувчиларига ўзимнинг энг яхши истакларимни ва ҳурматимни изҳор этаман.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев Москвада меҳмон бўлиб турган Финляндия Компартиясининг Раиси А. Саариненни, Финляндия Компартиясининг Фахрий раиси В. Пессини, Финляндия Компартияси Раисининг ўринбосари Т. Синисалони ва Финляндия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Э. Кивимякини қабул қилдилар.

Ўртоқлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида КПСС ва ФКП вакиллари ўз партияларининг фаолияти тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг актуал проблемалари юзасидан ва ҳар икки партияни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Финляндия ишчилари ва барча меҳнаткашларининг ҳаётий манфаатлари учун, Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳозирги вақтда Компартия олиб бораётган кураш тўғрисида гапириб бердилар.

М. А. Суслов билан Б. Н. Пономарев КПССнинг Совет Иттифоқида коммунистик қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолияти тўғрисида, халқаро кескинликни юмшатиш ва жаҳон майдонида ижобий ўзгаришлар томон йўл очиб берган Тинчлик программасининг амалга оширилаётганлиги ҳақида ФКП вакилларига ахборот бердилар.

Ҳар икки партия вакиллари Финляндия билан СССР ўртасидаги савдо-сотиқни, барча соҳаларда, айниқса энергетика соҳасида Совет—Финляндия ҳамкорлигини кенгайтириш имкониятлари мавжудлигини қайд қилдилар. Советларга қарши уйдирмаларни ишлатиб, ана шу ҳамкорликка ҳалақит беришга уринаётган кучларнинг найрангларига зарба бериш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

КПСС вакиллари шу йил ўз легал фаолиятининг 30 йиллигини нишонлайдиган Финляндия Компартиясига ўз ишида, ФКП XVI съездининг партия бирлиги ва жанговарлик қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган қарорларини изчиллик билан амалга оширишида муваффақиятлар тилладилар.

Учрашув чоғида ҳар икки партиянинг қардошлик алоқалари ва ҳамкорлигини бундан буён ҳам ривожлантиришга, коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳаракат бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашишга ФКП билан КПСС шай эканлиги уқтириб ўтилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети ҳалқаро бўлими мудирининг ўринбосари В. С. Шапошников иштирок этди.

Берлинда бўлиб ўтган Бутун жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалининг лауреати «Баян» рус оркестри ўзининг ранг-баранг чиқишлари билан қорақалпоғистонлик санъат мухлисларини хурсанд этди.

## «СОВЕТ РОССИЯСИ» ВИСТАВКАСИ

НУКУС. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Қорақалпоғистоннинг Россияга ихтиёрий қўшилганига юз йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган РСФСР адабиёти ва санъати кунларида шаҳардаги «Родина» кинотеатрида Совет Россиясининг саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятини, акс эттирувчи фотовиставка ташкил қилинди.

Автоном республика меҳнаткашлари «Совет Россияси» фотовиставкасини зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Асов Амунинг қўйи этаклаларидаги шаҳар ва район марказларида, колхоз ва совхозларда РСФСР кинофестивали бошланди. «Мосфильм» ва «Ленфильм» киностудияларида ишлаб чиқарилган «Надежда», «Ўғай она», «Ўртоқ генерал», «Мен—Шаповалов», «Тинч океанда» ва бошқа кинофильмлар томошабинларга манзур бўлмоқда.

## «МАРС-4» ВА «МАРС-5» АВТОМАТ СТАНЦИЯЛАРИ МАРС ПЛАНЕТАСИНИНГ АТРОФИГА ЕТИБ БОРДИ

ТАСС АХБОРОТИ

«Марс-4» ва «Марс-5» планетараро автомат станциялари 460 миллион километр чамаси масофани ўтиб, 1974 йилнинг 10 ва 12 февралида Марс планетасининг атрофига етди.

Станциялар бултур июлда Марс сари учиш траекториясига чиқарилган эди. Учиш трассасида станциялар билан мунтазам равишда радио алоқа сеанслари ўтказиб турилди, шу сеанслар чоғида ҳаракат параметрлари, ўлчаб турилди, станция ичидаги системаларнинг аҳволи назорат этиб турилди ҳамда космик фазонинг характеристикалари тўғрисида илмий ахборотлар юбориб турилди.

12 февралда «Марс-5» автомат станция планета атрофига етиб борди. Москва вақти билан соат 18 дан 45 минут ўтганида станцияни Марс йўлдоши орбитасига ўтказиш учун тормозловчи мотор установкаси ишга туширилди. Учишнинг охири босқичида барча динамик операциялар станция ичидаги астронавигация системасининг ёрдами билан мустақил равишда бажарилди. Ўтказилган маневр натижасида «Марс-5» станцияси планетанинг сунъий йўлдоши орбитасига чиқди.

Орбитанинг параметрлари ҳисоблаб қўйилганига яқиндир.

«Марс-6» ва «Марс-7» автомат станциялари учишни давом эттирмоқда ва март ойининг биринчи ярмида Марс планетасининг атрофига етиб боради.

Олис космик алоқа маркази ва координациялаш ҳисоблаш маркази станцияларнинг учишини кузатиб, олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

**Курск магнит аномалияси (КМА) темир рудаси корхоналарини қуриш ва қувваталарини ўзлаштириш соҳасида эришилган муваффақиятлар учун СССР Олий Совети Президиуми 1974 йил 14 февралдаги фармони билан энг яхши ўрнак кўрсатган ходимларни СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.**

**«КМАрудстрой» трестига қарашли 3-«Промстрой» қурилиш бошқармаси ғишт терувчилар бригадири В. И. Картавенко, Михайловский темир руда комбинатининг шофери О. И. Козин, СССР 50 йиллиги номли «КМАруда» комбинатининг директори В. И. Масокин, «Курскрудстрой» трестига қарашли 4-қурилишмонтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи И. М. Митяев, СССР 50 йиллиги номли «КМАруда» комбинати экскаваторининг машинисти А. С. Полигалов ва «Осколстрой» трестига қарашли Стойлинский қурилиш бошқармаси электр слесарлар бригадири Т. Ф. Прокудин Ленин ордени билан мукофотландилар.**

**Октябрь революция ордени билан 5 киши, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 111 киши, «Ҳурмат белгиси» ордени билан 142 киши, «Шавкатли меҳнати учун» медали билан 57 киши ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан 92 киши мукофотланди.**

**Фармон «СССР Олий Советининг Ведомостлари»да ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.**

## ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

14 февралда сенат раиси Жаъфар Шариф Имомий бошчилигидаги Эрон парламенти делегацияси Тошкентга келди. Делегациянинг сафарида СССР Олий Советининг Депутати М. А. Зоидов унга ҳамроҳлик қилмоқда. Делегация СССР Олий Советининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Шу куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Ҳ. Сирожиддинов Эрон парламентининг аъзоларини қабул қилди. С. Ҳ. Сирожиддинов дўстона суҳбат вақтида Олий Совет ва маҳаллий Советларнинг фаолияти тўғрисида, республиканинг хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари ҳақида сўзлаб берди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Олий Советининг депутатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

## «ИНТУРИСТ» ХОДИМЛАРИ ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

Тошкентда Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон «Интурист»нинг ахборот-пропаганда ва реклама фаолияти билан шуғулланувчи ходимларининг семинар-кенгаши бўлди. Кенгашда чет эллик туристларни Совет шарқи халқларининг ҳаёти билан, уларнинг экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришган муваффақиятлари билан таништириш юзасидан иш тажрибалари умумлаштирилди. Семинар-кенгашда, жумладан, таржимон-гидларни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига тайёргарлик бориши кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризм бошқармаси, «Интурист» ва унинг республика органлари раҳбарлари, олимлар семинарда доқладлар қилишди ва ахборотлар беришди.

«Интурист» вакиллари Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар, тошкентлик таржимон-гидларнинг экскурсия ўтказиш методикаси билан таништилар.

(ЎзТАГ).

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**«Катта химиявий ишлаб чиқариш сизларнинг меҳнатингиз билан нормадаги муддатдан бир йил олдин қуриб битказилди. Бу — Ўзбекистон ССР химия саноатини муваффақиятли ривожлантиришга қўшилган катта ҳисса бўлди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада интенсивлаштириш ва химиялаштириш соҳасидаги партия XXIV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш йўлида қўйилган катта қадам бўлди».**

**КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табригида Олмалиқ шаҳридаги химия заводи қурилишида қатнашаётган барча бунёдкорлар меҳнатига ана шундай юксак баҳо берилди.**

**Олмалиқ — улкан қурилиш майдони, кимёгарлар шаҳри. Партия ва ҳукуматимизнинг қарорларига мувофиқ бу ерда халқ хўжалиги учун зарур бўлган корхоналар тез қурилмоқда. Кимёгарлар эса деҳқонларимиз учун жуда зарур минерал ўғитларни пешма-пеш етказиб беришга ҳаракат қилишмоқда.**

**Куни кеча Олмалиқда бўлиб ўтган катта тантана кимёгарлар ва бинокорларнинг ўзаро ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини яна бир бор кўрсатди. Олмалиқ химия заводининг йилига 853 минг тонна мураккаб ўғитлар ишлаб чиқарадиган иккинчи навбати муддатидан аввал фойдаланишга топширилди. Беш йилликнинг бу зарбдор объектини барпо этишда «Алмаликсвинецстрой» трести ва бошқа қатор пудратчи ташкилотлар коллективларининг хизмати катта бўлди. Бригадир С. Левченко бошлиқ бинокорлар зўр ғайрат кўрсатишди. Бетончилар Х. Неъматов, М. Холмирзаев ва бошқа бинокорлар кўнгдалик топшириқларини 120-130 процент бажаришга муваффақ бўлишди. Монтажчилар эса янги машина-механизмларни тезу соз ўрнатдилар.**

**Кимёгарлар ҳам бинокорлар сингари шу кунларда зўр фидокорлик билан иш бошлаб юборишди. Улар янги ишлаб чиқаришнинг лойиҳадаги қувватини шу йилнинг сентябрь ойигача ўзлаштиришни олдиларига мақсад қилиб қўйишган.**

**Суратларда: мастер Н. Байрагдаров, бригадир С. Левченко, бетончилар Х. Неъматов ва М. Холмирзаев ва Олмалиқ химия заводининг иккинчи навбати технология линияларидан бири.**

**И. Глауберзон фотолари.**



*Республика коммунистларининг очиқ партия йиғилиши материаллари изидан*

# КОММУНИСТ ТАКЛИФИ АМАЛГА ОШАДИ

**Газетамизнинг шу йил 26 январь сонида «Коммунист масъулияти» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унинг автори, Тошкент экскаватор заводининг ишчиси, коммунист Раҳим Йўлдошев республикамиздаги машинасозлик корхоналарида, ўзи ишлаб турган экскаватор заводида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган бир қанча таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлаган эди. Жумладан, у машинасозлик заводларининг қуюв цехларн бир маромда ишламаётганлиги, чўян ва пўлат қуйилмалари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш яхши йўлга қўйилмаганлигини танқид қилиб, машинасозлик заводларига керакли бу маҳсулотни тайёрлаб берадиган ягона марказлашган қуюв заводи қуриш масаласини ўртага қўйган эди. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг ўринбосари Ш. О. Хўжаевдан бу масалани шарҳлаб беришни илтимос қилдик.**

* * *

Ўзбекистон саноати юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Тўқкизинчи беш йилликнинг ҳар бир йили янги-янги замонавий корхоналар бунёдга келиши, ишга тушиши, мавжуд корхоналар реконструкция қилиниб, қайта тўғрилиши билан нишонланаётир. Ўзбекистон қурилиш ҳавозаларига бурканиб бормоқда, янги-янги корхоналарга ғишт қўйилмоқда. КПСС XXIV съезди Директивалари ва беш йиллик планларида халқ хўжалигимизнинг етакчи тармоғи бўлган саноат соҳасида жуда кўп фабрика ва заводлар қуриш, қатор корхоналарни ишга туширишкўзда тутилган. Мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватини шу кунгинг юксак талаблари даражасига етказиш ишлари ҳам олиб борилаётир.

Республикамиз саноатида юз бераётган ана шу катта сифат ўзгаришлар, айниқса, машинасозлик корхоналарининг кенгайиб бораётганлиги чўян ва пўлат қуйилмаларга бўлган талабни кескин ошириб юборди. Корхоналар нихтиёридаги қуюв цехлари старли миқдорда қуйилмалар тайёрлаб беролмай қолмоқда. Уни узоқ шаҳарлардан ташиб келтиришга мажбур бўлмоқдамиз.

Тошкент экскаватор заводи ишчиси Раҳим Йўлдошев жуда тўғри, принципиал масалани ўртага қўйган. Унинг машинасозлик заводлари учун қуйилмалар тайёрлаб берадиган ягона қуюв заводи қуриш ҳақидаги таклифи катта давлат аҳамиятига эга бўлган қимматли таклифдир. Ўзбекистон ССР Давлат план комитети бундай махсус завод қуриш тўғрисида Бутуниттифоқ давлат план комитетига таклиф киритган эди. Фикримиз инобатга олинди. СССР Станоксозлик министрлиги йўли билан ана шундай корхона қуриш планга киритилди.

Йилига 150 минг тонна саноат хом ашёси тайёрлайдиган «Центролит» заводини қаерга қуриш масаласи ҳам ўрганиб чиқилди. Корхона янги ташкил этилган Жиззах областидаги Обручево посёлкаси яқинида қад кўтаради. Завод қурилиши бу ерда ишловчи кадрларни тайёрлашга хизмат қиладиган металлургия техникуми ва Ширин шаҳарчаси сингари замонавий посёлка қурилиши билан комплекс равишда олиб борилади.

Жиззах областининг индустриал тараққиётида катта аҳамиятга эга бўладиган «Центролит» заводининг лойиҳа ва чизмаларини тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Бутуниттифоқ Станоксозлик министрлигига қарашли Москвадаги саноатни махсус ва комплекс ривожлантириш институти бош лойиҳачи қилиб тайинланди. У ерда заводнинг ишлаб чиқариш технологияси лойиҳалаштирилади. Корхона қурилиши, унинг атрофида қад ростлайдиган уй-жой бинолари, техникум, маданий-маиший объектлар лойиҳасини ишлаб чиқиш республика шаҳарлар қурилиши илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти ҳамда «Ўзгипротяжпром» институти зиммасига юкланди. Заводда 5 мингга яқин киши ишлайди. Унга меҳнат унумдорлиги ниҳоятда юқори бўлган электр печлари ўрнатиш ҳақида бир фикрга келинди.

Республикамиз саноатининг фахри бўлиб қоладиган «Центролит» заводи қурилишини бошлаб юбориш учун тайёргарлик ишларини янада кучайтиришимиз керак.

# ИҚТИСОД КЎЗГУСИ

**СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ КОЛЛЕГИЯСИ ВА СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИДА**

Деҳқончилик ишларини ташкил этиш ишлаб чиқаришда рўй бераётган барча жараёнларни тўла ва оператив равишда акс эттириши талаб қилади. Колхозлар ва совхозларда бухгалтерия ҳисоботи ва контроль мана шундай иқтисодий кўзгу бўлиш ролини бажаради. Ҳозирги кунда мамлакат қишлоқларида бу иш билан 500 мингга яқин киши шуғулланмоқда. Ҳисоблаш машиналарини ишга солмай, ишларни механизациялаштирмай туриб уларнинг меҳнатини такомиллаштириш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигидаги бухгалтерия ҳисоботининг аҳволи ва уни механизациялаштиришни ривожлантириш масаласи 12 февралда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги коллегияси билан СССР Марказий статистика бошқармасининг қўшма мажлисида муҳокама қилинди.

Бухгалтерия ҳисоботини ва ҳисоб беришни механизациялаш шундай пойдеворки, дейилди коллегия мажлисида, қишлоқ хўжалигида ахборот ва бошқарув системаси мана шу пойдевор негизига қурилиши керак. 23 мингдан кўпроқ колхоз ва совхозлар хўжжатларни ишлаб чиқишда давлат статистикасининг ҳисоблаш марказлари ва нихтисослаштирилган станциялари хизматидан фойдаланмоқдалар.

Лекин бу қилинниши лозим бўлган ишларнинг бошланиши, холос, чунки ҳозирча бухгалтерия ҳисоботининг айрим бўлимларигина механизациялаштирилган. Бухгалтерия ҳисоботини комплекс механизациялаштириш эса фақат 119 та хўжаликда ўзлаштирилган ва ҳозирги вақтда 500 та хўжаликда жорий қилинмоқда. Бошқирдистон АССР, Ленинград ва Оренбург областлари, Белоруссия, Молдавия, Латвия, Украинанинг Харьков, Винница, Львов областлари ва бошқа бир қанча областлардаги хўжаликлар бу вазифани бошқалардан кўра муваффақиятлироқ ҳал этмоқдалар.

Шу тўғрида қабул қилинган қарорда қишлоқ хўжалигидаги бухгалтерия ҳисоботини механизациялаштиришни тезлаштиришнинг конкрет чоралари белгилаб берилди.

(ТАСС мухбири).

# ШАХСИЙ НАМУНА

*ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ*

Кўп хўжаликларда жамоат чорвачилиги рентабелли тармоққа айланган эмас. Деҳқончиликдан олинадиган даромаднинг бир қисми ана шу тармоқ келтирган зарарни қоплашга сарфланади. Сурхондарё область партия конференциясида шу ҳақда гап кетганда Сариосиё районн намуна қилиб кўрсатилди. Район хўжаликларида чорвачилик ривожланиб, даромад манбаига айланди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш планлари сўзсиз бажариладиган бўлиб қолди.

— Бу ишда депутатларнинг хизмати катта,— дейди район ижроия комитетининг раиси Асатулла Намозов. — Улар чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, меҳнат сарфини камайтириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда ташаббускор бўлмоқдалар.

Район Совети ва қишлоқ Советларининг депутатлари сайловчиларнинг наказлари изчиллик билан бажарилиши учун курашмоқдалар. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган ҳар бир наказ, ҳар бир таклиф депутатларнинг, маҳаллий Советларнинг диққат марказида турибди. «Коммунизм» колхозида сайловчилар наказини бажариш юзасидан амалга оширилган ишлар бунга мисол бўла олади. Колхоз сут-товар фермаси ходимлари район Совети депутати Сувон Содиқова фермадаги ишларни механизациялашни наказ қилиб берган эдилар. Депутат колхоз правлениесига фермани механизациялаш учун маблағ ажратиш масаласини қўйди. Механизациялаш маҳсулот таннархини камайтиришни, меҳнат унумдорлигини оширишни рақамлар билан исботлаб берди ва маблағ ажратилишига эришди. Район ижроия комитети эса механизация воситалари сотиб олишда ёрдамлашди. Шу тариқа фермада сут соғишдан тортиб, молларни боқиш ва молхонани тозалашгача ҳамма ишлар механизациялаштирилди. Колхоз СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва қишлоқ хўжалиги ҳамда тайёрлаш ходимлари касаба союзи марказий комитетининг Қизил байроғини олганлиги ҳам бу тадбир самараларини яққол кўрсатиб турибди.

Шунингдек, депутат Турсун Қобилова Жума Пирназаров номли колхоз сут-товар фермасини механизациялаш ишларига бош бўлди.

Шу тариқа районда 12 та сут-товар фермасидаги ишлар тўла механизациялаштирилди. Район қишлоқ хўжалиги бошқармаси (бошлиги — район Советининг депутати Эркин Рамазонов) совхоз ва колхозларда сут-товар фермаларини тўла механизациялашнинг перспектив планини тузиб чиқди. Планга мувофиқ бу ишлар 1980 йилга қадар тўла тугалланади. Ҳозирнинг ўзидаёқ чорва бинолари турли механизмларни ўрнатишга мослаб қурилянти, эскилари эса реконструкция қилиняпти.

Район Советининг қишлоқ хўжалиги доимий комиссияси (раиси ўртоқ П. Шомуродов) аъзолари чорвачиликни ривожлантириш масалалари билан жиддий шуғулланмоқдалар. Улар район хўжаликларида жамоат чорвачилигининг аҳволини атрофлича ўрганиб, бу соҳадаги камчиликларни очиб ташладилар. Чорвачиликни ривожлантиришнинг ўзига хос проблемаларини аниқлаб, бу масалани ижроком ва сессия муҳокамасига қўйдилар. Шу тариқа жамоат чорвачилигининг аҳволи ижроком мажлисида, наслчилик ишларини яхшилаш масаласи район Совети сессиясида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лекин масаланинг муҳокама қилиниши, қарорлар чиқарилиши — ишнинг бошланиши, холос. Буни яхши тушунган депутатлар маҳаллий Советлар ва уларнинг органлари қабул қилган қарорлар ижросини текшириб боришни ўзларининг муҳим бурчлари деб биладилар. Район Совети сессияси қарорининг изчиллик билан амалга оширилиши туфайли ҳозирги вақтда колхозларда қорамоллар подасида сигирлар кўпайди. Мавжуд сигирлардан 75 процентининг зоти яхшиланди. Бу эса қорамолларни урчитиб кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш имконини бермоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, депутатлар чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш учун курашда ташаббускор бўлмоқдалар, чорвадорлар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Район Советининг депутатлари — «Ленинград» колхозидан Нуха Давлатова, «Коммунизм» колхозидан Тилло Ҳидирова, Турсун Ҳусанова, Жума Пирназаров номли колхоздан Турсун Қобилова ва бошқалар сут етиштиришни кўпайтиришда яхши натижаларга эришиб, намуна кўрсатган бўлсалар, Охунбобоев номли колхоздан Сангин Ҳидоятов, «Ўзбекистон» колхозидан Ҳайитали Меликов, «Правда» колхозидан Мирзо Сафаров ва бошқа депутатлар хисори қўйларни кўпайтиришда ташаббускор бўлаётгарлар. Ўтган йили улар ҳар юз бош совлиқдан 130-135 тадан қўзи олишга муваффақ бўлдилар.

Маҳаллий Советлар депутатларининг беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги ташаббуслари ҳам диққатга сазовордир. Район Советининг ўттизга яқин депутати бевосита пахтачиликда бригадир, механизатор бўлиб ишлайди. Улар ердан фойдаланишни яхшилашнинг моҳияти тўпроқ унумдорлигини ошириш, ҳосилдорликни кўтариш эканлигини амалда исботладилар. Район Советининг депутатлари Искандар Назаров, Бойпўлат Холматов, Бобомурод Омонов ўртоқлар раислик қилаётган «Ленинград», Ленин номли, «Коммунизм» колхозлари пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 42-46 центнерга етказдилар. Бу айрим колхозларгагина хос эмас. Бошқа хўжаликларда ҳам ҳосилдорлик кескин ошди. Натижада районда бултур ҳар гектар ердан 40.5 центнердан «оқ олтин» олинди.

Пахта теримини механизациялаш ҳамон асосий вазифалардан бўлиб турибди. 1972 йилда районда машина терими плани бажарилмай қолган эди. Ўтган йили эса бу соҳада ҳам бурилиш ясалди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, Дашнобод қишлоқ Советининг депутати Қаҳҳор Фармонов барча механизаторларга мурожаат қилиб уларни терим машиналаридан унумли фойдаланишга чақирди. Юздан ортиқ механик-хайдовчи унинг чақирига жавобан зиммаларига катта мажбуриятлар олди.

Район ижроия комитети, депутатлар группалари механик-ҳайдовчиларнинг унумли ишлашлари учун шароит яратиб берилишини назорат остига олдилар. Мана бу ташаббус самараси: етиштирилган ҳосилнинг ярми — 30 минг тоннаси машинада терib олинди. Ҳар бир агрегатнинг мавсумдаги иш унуми ўртача 106 тоннага етди. Момасулув Тоғаймуродова, Раис Маматқулов, Қаҳҳор Фармонов каби механизаторлар 200-260 тоннадан пахта терdилар.

Район меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи белгиловчи йилида ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар. Телпакчинор қишлоқ Совети депутатлари райондаги барча депутатларга мурожаат этиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ердан яхшироқ фойдаланиш учун курашга бошчилик қилишга, белгиловчи йилни барча соҳаларда яхши натижалар билан якунлашга чақирдилар. Район ижроия комитети «Коммунизм» колхози меҳнаткашлари вакилларининг ташаббусини маъқуллади.

Сариосиё районн маҳаллий Советларининг депутатлари омманинг ташаббускорлигини ошириш борасида катта тажриба тўпладилар ва ҳар жабҳада шахсий намуна кўрсатмоқдалар.

**Ҳ. ИБРОҲИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

# „МОСФИЛЬМ“ БАЙРОҒИДА ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ

(Боши биринчи бетда).

Совет кинематографиячилари ўзларининг революцион инсонпарварлик вазифаларини изчиллик билан адо этишлари: коммунистик ҳақиқатнинг ёркин, ифодали сўзини оммага етказишлари, империализмнинг ва унга малайлик қилаётганларнинг ҳақиқий башарасини фош қилиб ташлашлари керак.

Биз маданиятнинг ҳамма соҳаларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоримиз. Аммо чет эллардаги айрим кимсалар ривожланиб бораётган ҳамкорликдан социалистик тузумга, совет турмуш тарзига ҳужумни кучайтириш учун фойдаланиб қолмоқчи эканликларини равшан англаб турибмиз. Шу сабабли юксак даражада ҳушёрликни қўлдан бермаслик, ҳозирги замон антикоммунизмининг бўҳтони ва риёкорлигини, буржуазия дунёсининг разил ахлоқини кескин фош қилиб ташлаш, мафкуравий курашнинг бутун фронти бўйлаб кенг кўламда ҳужумга ўтиш зарур. Биз шунга аминмизки, совет кинематографияси бундан буён ҳам ана шу юксак талаблар даражасида ишлай беради!

Азиз ўртоқлар!

Маданият усталарининг ижодий иши партия билан Совет давлатининг ҳамиша диққат-марказида бўлиб келган ва ҳозир ҳам диққат марказида турибди. КПСС Марказий Комитетининг «Совет кинематографиясини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кинонинг аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари атрофлича таҳлил этилган, мавжуд камчиликлар очиб ташланган, келгусида кино санъатини ривожлантиришнинг аниқ программаси белгилаб берилган.

Совет кинематографиячилари социалистик реализм принципларига амал қилиб, ҳаётимизнинг бутун ранг-баранглигини, унинг жамики мураккабликларини ҳаққоний, чуқур ва жозибадор тарзда акс эттиришлари, ҳаётдаги коммунистик келажак куртакларини санъаткорнинг ўткир кўзи билан кўра билишлари ва шу куртакларни санъатнинг қудратли кучи билан жўшқин равишда қарор топтиришлари керак.

Бунинг маъносини агар бош вазифа тўғрисида гапирадиган бўлсак, конкрет равишда қандай тушунмоқ керак?

Бунинг маъноси — замонамизнинг улуғворлиги ва қаҳрамонлигини тараннум этишдан, жамиятимизнинг гоявий ва ахлоқий фазилатларини, совет турмуш тарзини қарор топтиришдан, коммунистик дунё бинокори бўлган совет киши-сининг ахлоқий гўзаллиги ва олийҳимматлигини ҳаққоний тасвирлаб беришдан иборат.

Бунинг маъноси — совет кишиларини жамият олдида юксак масъулият, коллективизм, уюшқоқлик ва интизомлилик руҳида, революцион анъаналарга, марксизм-ленинизм идеалларига чексиз садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Бунинг маъноси — экранда халқлар дўстлиги, ватанпарварлик ва интернационализм гояларини ифодалаб беришдан, совет кишиларини, айниқса ёшларни ўтмишдаги ва ҳозирги жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништиришдан, унинг инсонпарвар, илғор негизларини очиб беришдан иборат.

Бунинг маъноси — ҳаётимиздаги камчиликларни ва салбий ҳолатларни дадил очиб ташлашдан, совет жамиятининг олға томон қилаётган ҳаракатига ҳалақит бераётган, коммунизм қурилишининг тўғ вазифаларидан чалғитаётган ҳамма иллатларга қарши кескин кураш олиб боришдан иборат.

Бизнинг давримиз санъаткор учун бениҳоя мароқлидир. Давримиз коммунистик тарзда фикрлайдиган ва ишлайдиган, юксак ахлоқий гўзаллик ва олижаноблик соҳиби бўлган. ўзини ўз мамлакатининг, унинг ҳозири ва келажагининг эгаси деб ҳис қилувчи интернационалист бўлган инсонни камолотга етказишда партия билан жамиятга ёрдам беришга астойдил интилувчи ёзувчи, режиссёр, актёрга, ҳар бир ижодий ходимга ҳақиқатан ҳам битмас-тугаймас имкониятларни очиб беради.

Социалистик реализм методи ижодий новаторлик учун, ўзига хос қобилиятлар ва талантларни рўёбга чиқариш учун жуда кенг имкониятлар очиб беради. Бу метод замон руҳига, революцион давримиз руҳига мос келадиган янги ифода воситаларини доимий равишда қидиришни албатта назарда тутади. Кино санъати шу жумладан, сизларнинг студиянгизда ҳам яратилган энг салмоқли асарлар бу гапнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

Бироқ, янги ифода воситаларини қидириш шунчаки бир мақсадга, санъатнинг чексиз имконида «рулсиз ва елкансиз» сузишдек қандайдир бир нарсага асло айлантириб юборилмаслиги керак. Социалистик реализм санъатининг ўз қирғоқлари — унинг юксак вазифаси билан белгиланадиган аниқ синфий принциплари бор: санъат партиянинг дунёни коммунистик тарзда ўзгартириш йўлидаги улуғ курашига ёрдам бериши лозим.

Биз меҳнат аҳлига зарар келтирадиган иллатларга, шаҳсни камситишга, разолат ва қабоҳатни хас-пўшлашга, ҳаёт ва тарих ҳақиқатини сохталаштиришга мутлақо қарши чиқамиз. Биз сиёсатга бефарқ қарашга, бизга ёт кайфиятлар, дидларга ҳам ҳудди шундай кескин қарши чиқамиз. Биз бахтга қарши экранимизда ҳамон учраб турган косибчилик, қалбакичилик андозаси билан бичилган фильмларни ошкора танқид қилиб келдик ва танқид қилаверамиз. Чамаси кино ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларига юксак даражада талабчаилик мезони билан қараш, унинг ҳамма студияларини назорат қилиб туриш, янги фильмларга ҳаёт йўлланмасини берувчиларнинг масъулиятини ошириш лозим.

Партия санъат асарига, шу жумладан бирон-бир фильмга баҳо беришда амал қиладиган олий мезон — коммунистик жамият, марксизм-ленинизм идеалларидир, совет кишиларининг ва бутун меҳнаткаш инсониятнинг бахт-саодатидир. Биз совет санъаткорларига шу принциплар позициясида туриб айтамизки, халқ бахт-саодати учун сабот билан ишланглар, ижод қилинглар! Санъаткор бизнинг шонли тарихимизни, жўшқин ва гўзал замонаъвизни ҳаққоний тасвирлайдиган ҳар бир санъат асарини қувонч билан кутиб оламиз.

«Миллион-миллион томошабинлар, — деб таъкидлади Л. И. Брежнев, — сизлардан барча жанрлар ва турларга мансуб янги кино асарларини, мазмун жиҳатидан салмоқли ва бадиий ифода жиҳатидан мароқли асарларни, янги фикр уйғотувчи, биз яшаб турган замоннинг моҳиятини чуқурроқ тушунишга ёрдам берувчи, замондошларимизнинг жонли образларини ҳаққоний кўрсатувчи, инсонда коммунизм инокорларига хос бўлган олижаноб ахлоқий фазилатларни мустаҳкамловчи асарларни кутмоқдалар».

Азиз ўртоқлар!

Айрим кишиларгина ҳам, бутун бир коллективнинг ҳам ҳаётида ўзига давлатнинг юксак мукофоти топширилган кун ёрқин тантанали воқеа сифатида хотира бўлиб қолади. «Мосфильм» студиясининг мукофотланиши шонли коллективингизнинг, бутун совет кинематографиясининг ижодий йўлидаги янги ажойиб босқич бўлиб қолади, деб ишонч билдирмоқчиман!

Совет давлатининг иккита энг юксак мукофоти — Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени — «Мосфильм»нинг совет маданияти олдидаги катта хизматларига берилган баҳогина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ижод соҳасида янги кучғайратлар кўрсатишга, янада юксак марраларга эришишга, бутун халқнинг таҳсиннига муносиб фильмлар яратишга қилинган даъват ҳамдир. Азиз мосфильмчи ўртоқлар, сизларга партиямиз билан халқимизга жуда зарур бўлган ишингизда янги катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар.

Н. В. Подгорний нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлинib турди.

Н. В. Подгорний СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшиттирди ва мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида Октябрь Революцияси орденини «Мосфильм» киностудияси байроғига тақиб қўйди.

* * *

Студиянинг Бош директори **Н. Т. Сизов** коллективнинг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун «Мосфильм» ходимлари номидан Коммунистик партия Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик ва самимий ташаккур изҳор қилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси, СССР Олий Совети Президиумининг «Мосфильм» студиясини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони «Мосфильм» коллективини янги ижодий ютуқларга, совет кино санъати олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун янада зўр ғайрат-шижоат билан кураш олиб боришга илҳомлантиради. Студия коллективи бу вазифаларни амалга оширишда масъулияти борлигини яхши билади.

Ленин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти, кинорежиссёр **С. Ф. Бондарчук** айтдики, партия ва халқ бизнинг меҳнатимизга — кинематографиячиларнинг катта отрядининг меҳнатига бу қадар юксак баҳо берганлиги чексиз қувонтиради. Бундай баҳо ва бундай зўр эътибор бизни бадиий ҳамда гоявий жиҳатдан юксак экран асарларини яратишга илҳомлантиради.

РСФСР халқ артисти, кино артист **Н. В. Мордюкова** «Мосфильм» коллективи юксак мукофотни зўр иштиёқ ва шоду-хуррамлик билан қабул қилганлиги ҳақида гапирди. У студия коллективининг ижодий меҳнатига берилган бундай юксак баҳо янги зафарларга, замондошимиз чинакам чуқур ва завқли қилиб тасвирланадиган фильмларни яратишга руҳлантиради, деб таъкидлади.

Мажлис қатнашчилари гоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига табриknома қабул қилдилар.

Шундан кейин байрамга бағишланган катта концерт қўйиб берилди. «Мосфильм»нинг энг яхши картиналаридан айрим парчалар кўрсатилди, совет кино санъатининг машҳур усталари томошабинлар ҳузурида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

**И. ВЕКСЛЕР,**
**В. КУЛИКОВ,**
**ТАСС мухбирлари.**

# СССР ВА КУБА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ

«Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Куба Республикасига қилган визити якунлари тўғрисида» ғоясида қабул қилинган қарорда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу визити вақтидаги фаолиятини тўла-тўкис маъқуллайдилар ва уни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Куба Коммунистик партияси ўртасидаги, СССР билан Куба Республикаси ўртасидаги қардошларча дўстликни ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги янги босқични бошлаб берувчи катта воқеа, деб баҳолайдилар.

Бу сафарда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарига ҳамроҳлик қилган кишилар орасида СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов ҳам бор эди. ТАСС мухбирининг илтимосига биноан, у ўз таассуротларини, мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлигини гапириб берди:

— КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Латин Америкасида социализм қураётган биринчи мамлакатга қилган визити Совет — Куба дўстлигини ривожлантиришда янги муҳим босқични бошлаб берганлиги Совет — Куба декларациясида таъкидлаб ўтилди.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Революцион ҳукумат Бош министри ўртоқ Фидель Кастро ўзи ўтказган суҳбатлардан бирида ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубага қилган визити партияларимиз ўртасидаги, халқларимиз ўртасидаги муносабатларни мислсиз юксак даражага кўтарганлигини айтди.

Куба халқи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни самимий, қизғин кутиб олди. Революция майдонида бўлиб ўтган Совет — Куба дўстлиги улуғвор митинги унутилмас таассурот қолдирди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев шу митингда сўзга чиқиб, ҳозир Совет — Куба ҳамкорлиги турмушнинг жуда турли-туман соҳаларини ўз ичига олаётганлигини айтди. Бу ҳамкорлик металлургия ва энергетика соҳасида, қишлоқ хўжалиги ва балиқ овлаш флотида, илмий тадқиқотлар ва санъат соҳасида ривожланиб бормоқда. Бу ҳамкорлик савдо-сотиқ сингари жуда оддий формалардан тортиб, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва халқ хўжалик планларини координациялашгача бўлган юксак чўққига кўтарилмоқда.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, деди сўзини давом эттириб И. В. Архипов, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик 1960 йилда бошланган эди. Ўтган йиллар мобайнида республика саноатининг қанд-шакар, энергетика, химия, металлургия, машинасозлик ва бошқа шу сингари ҳаётий муҳим тармоқларини ривожлантиришга қаратилган ўнлаб битимлар тузилди. Бу — Кубага империализмнинг иқтисодий агрессиясини қайтариш, ғарбий ярим шардаги биринчи социалистик давлатни мустаҳкамлашга кўмаклашувчи революцион-иқтисодий ўзгартишларни муваффақиятли равишда амалга ошириш имконини берди.

Икки ўртадаги муносабатлар 1972 йил декабрда Москвада КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Революцион ҳукумат Бош министри ўртоқ Фидель Кастро ўртасида Совет — Куба ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисидаги битимлар имзоланганидан кейин анча ривож топди.

Фикримни исботлаш учун бир неча рақамни айтиб ўтаман. 1960 йилдан 1965 йилгача бизнинг мамлакатимиз 30 та саноат корхонасини ва бошқа объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилишда ёрдам берди. Кейинги битимларга мувофиқ яна икки юзта корхонани қуриш ва реконструкция қилишда ёрдам берилди.

Шулардан баъзиларига батафсил тўхталиб ўтмоқчиман. Бизнинг мамлакатимиз ёрдамида Кубадаги энг катта Максимо Гомес ва Антонио Масео номидаги иссиқлик электр станциялари қурилди. Яқин йилларда бу электр станциялар Совет Иттифоқи иштирокида кенгайтирилади ва уларнинг қуввати мамлакатда умумий фойдаланишда бўлган бошқа ҳамма электр станцияларнинг қувватига тенглашади. 220 киловольт кучланишли янги электр линиялари, подстанциялар қурилади.

Куба никель ишлаб чиқариш соҳасида дунёдаги олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Саноатнинг шу тармоғини ривожлантиришда ҳам бизнинг мамлакатимиз билан қилинаётган ҳамкорлик муҳим роль ўйнамоқда. Никаро ва Моада ишлаб турган никель заводларини реконструкция қилиш ва модернизациялашда совет ташкилотларининг иштироки тўғрисида бир битимга келинди. Пунта Гордада мамлакатдаги янги энг катта кон-металлургия комплекси лойиҳасини гузишга киришилди. Бу корхона Совет Иттифоқи ёрдамида қурилади. Шу туфайли мамлакатда никель ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди. Бу металлнинг анчагина қисми Совет Иттифоқига ва Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатларга етказиб берилади. Уз навбатида бизнинг мамлакатимиздан Кубага запас қисмлар ва айрим узеллар, шунингдек олтингугурт, аммиак, антрацит юборib турилади, бу маҳсулотлар бўлмаса никель ишлаб чиқариш мумкин эмас.

СССР кўмагида Хосе Марти номли металлургия заводи реконструкция қилинмоқда. Бу эса мамлакатда пўлат ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини беради. Бу завод қувватларини янада кўпайтириш тўғрисида бир битимга эришилди. Совет мутахассислари агрегатларни монтаж қилиш ва созлашдагина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришда ҳам ёрдам бермоқдалар.

Гуантанамодаги эгов заводи Кубада Совет Иттифоқининг техникавий ёрдамида қурилган биринчи корхона бўлган эди. Бу корхона мамлакатнинг шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлаш имконини берди. Санта-Кларада бизнинг мамлакатимиз кўмагида қурилган механика заводини Озодлик оролидагилар Кубанинг «Уралмаш»и деб атайдилар. Бошқа бир корхона—йилига совет автомашиналаридан 3 мингтасини капитал ремонт қилишга мўлжалланган Гаванадаги Куба—Совет дўстлиги номли авторемонт заводи қисқа муддатда ўз қувватидан ошиб кетди. Бу корхона тобора кенгайтирилаяпти. Бундан ташқари Совет Иттифоқи икки ўртада тузилган битимга мувофиқ юк автомобилларини ремонт қиладиган иккита янги заводни қуришда ёрдам беради.

Маълумки, қанд-шакар ишлаб чиқариш Куба экономикасининг негизи ҳисобланади. Шакар қамиш ҳосилини етиштиришда юз минглаб кишилар банд бўладилар. Шу сабабли бу ерда шакар қамиш етиштиришни механизациялашга асосий эътибор берилмоқда. Бу соҳада СССР билан Куба ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Ҳозир Ухтомский номидаги Люберци қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида Куба учун «КТП-1» маркали шакар қамиш ўриш комбайнлари ишлаб чиқарилмоқда. Шу машиналарнинг ҳар бири плантациядаги 100-150 ўримчининг ўрнини босади. Кубалик дўстларнинг фикрича, бу комбайнлар ўзининг кўпчилик кўрсаткичлари жиҳатидан бошқа мамлакатларда тайёрланаётган ана шундай машиналардан устунлик қилади. Кубада Совет Иттифоқи ёрдами билан шакар қамиш ўриш комбайнларини тайёрлайдиган ва йиғадиган завод қуриш бу соҳадаги янги қадам бўлади.

Совет Иттифоқи ва Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар қанд заводларини реконструкция қилишда Куба Республикасига ёрдам бердилар. Кубадаги «Гранма» газетаси бундай деб ёзди: «...Қанд-шакар саноатимизни янада ривожлантириш соҳасидаги жуда катта вазифаларни СССРнинг қардошларча ёрдамисиз ҳал эта олмаган бўлур эдик».

СССР ёрдамида қурилган ва қурилаётган объектлар рўйхатини давом эттираверишмумкин. Балиқ хўжалигида, химия саноатида, Куба экономикасининг бошқа тармоқларида ҳамкорлик муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда. Совет мутахассислари республикада геология хизматини ташкил этишда ёрдам бердилар. Ҳар йили Кубада сровет геологларининг катта отряди ишлаб турибди. Шундай ҳамкорлик натижасида фойдали қазилмалар запаслари кидириб топилди ва мавжуд запаслари кўпайтирилди. Гидромелиорация соҳасидаги ҳамкорлик яхши ривожланмоқда. Шу туфайли суғориладиган ерлар майдони анча кўпайди, янги йирик сув хўжалик объектлари барпо этилди.

Шуни айтиш керакки, Совет Иттифоқи билан Кубанинг кўпгина министрликлари илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоладилар. Турли институтлар, лойиҳа ташкилотлари, ишлаб чиқариш коллективлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бу алоқалар доимо кенгайтирилади ва мустаҳкамланаверади.

Мамлакатларимизнинг планли, узоқ муддатли асосдаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги доимо ривожланиб, такомиллашаверади, деди пировардида И. В. Архипов. Совет—Куба декларациясида таъкидлаб ўтилганидек, иккала ҳукумат ўртасидаги битимларга мувофиқ Совет Иттифоқи индустрияни ривожлантиришда, қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришда Куба экономикасининг турли хил тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлашда социалистик Кубага ёрдам бераверади.

## ОЛИМЛАР ЙИҒИЛИШИ

Тошкентда Узбекистон, Тожикистон ва Туркманистон қишлоқ хўжалик илмий муассасалари олимлари иштирокида В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Қишлоқ хўжалик фанининг КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленуми қарорларидан келиб чиқувчи вазифалари муҳокама қилинди. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси Т. Г. Зинин шу масала юзасидан доклад қилди.

Йиғилишда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиклари Г. М. Рудаков, Г. А. Алиев (Тожикистон), академиянинг мухбир аъзолари А. Имомалиев, Х. М. Жалилов, Н. Н. Назиров ва бошқалар сўзга чиқдилар. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни ҳал қилишда олимларнинг ролини янада ошириш зарурлиги қарорда кўрсатиб ўтилди. (УзТАГ).

## ТАСС ХАБАРИ

СССР гражданлигига мансуб бўлишга эга келадиган ва Совет Социалистик Республикаларининг Иттифоқига зарар етказаётган хатти-ҳаракатлар билан доим шуғулланиб келганлиги учун А. И. Солженицин СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, 1974 йил 13 февралда Совет Иттифоқи тупроғидан чиқариб юборилди.

Солженицин онласи лозим деб топган тақдирда унинг ҳузурига жўнаб кета олади.

## СССР—ГДР: САВДО-СОТИҚ КЕНГАЙМОҚДА

12 февралда Москвада СССР билан ГДР ўртасида 1974 йилги товар обороти тўғрисида протокол имзоланди. Протоколга мувофиқ, ўзаро савдо-сотиқ ҳажми тахминан 7 процент ортади.

Совет Иттифоқидан Германия Демократик Республикасига машина ва ускуналар, ишлаб чиқаришни рационализациялаш воситалари, шунингдек нефть, тошкўмир, табиий газ, руда, қора ва рангли металлар, ёғоч-тахта, пахта, целлюлоза ва бошқа товарлар етказиб бериш кўпаяди.

СССР ўз навбатида Германия Демократик Республикасидан металл қирқувчи станоклар, темирчилик—пресс ускуналари, комплект технология линиялари олади. ГДРдан енгил, озиқ-овқат ва полиграфия саноати учун ускуналар, кранлар, темир-йўл вагонлари, кемалар, қишлоқ хўжалик машиналари, химия товарлари ва халқ истеъмоли товарлари олиш ҳам кўзда тутилади.

Музокаралар натижалари тўғрисидаги ахборотда СССР билан ГДР ўртасида имзоланган протокол ўзаро иқтисодий ҳамкорликни планли равишда ривожлантиришда янги муҳим босқични бошлаб берганлиги Совет — Куба декларациясида таъкидлаб ўтилди.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Революцион ҳукумат Бош министри ўртоқ Фидель Кастро ўзи ўтказган суҳбатлардан бирида ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубага қилган визити партияларимиз ўртасидаги, халқларимиз ўртасидаги муносабатларни мислсиз юксак даражага кўтарганлигини айтди.

Куба халқи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни самимий, қизғин кутиб олди. Революция майдони-

# Планетамизда

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## ТАРИХИЙ ВОКЕА

*Л. И. Брежнев визитининг якунлари тўғрисида «Гранма» газетасининг ёзганлари*

ГАВАНА, (ТАСС). «Гранма» газетаси Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, тинчлик ва халқлар суверенитети учун кураш ҳаракати миллий кенгашининг раиси, Кубанинг таниқли жамоат арбоби Хуан Маринельонинг мақоласини босиб чиқарди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг Кубага қилган визити, дейилади мақолада, тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Бу визит бутун дунёда ҳаммани беиҳоя қизиқтирди. Буни матбуот, радио, телевидение берaётган сон-саноқсиз шарҳлар яққол кўрсатиб турибди.

Хуан Маринельо халқаро кескинликни юмшатиш ишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари жуда катта роль ўйнаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Шу нарса диққатга сазовордирки, дейилади Хуан Маринельонинг мақоласида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Гаванада Хосе Марти номидаги Революция майдонида сўзлаган нутқида миллий қаҳрамонимиз Хосе Мартининг: «Тинчлик инсониятнинг келажагидир. Можоларни ҳал қилишнинг биринчи воситаси тариқасида уруш очишга тўғри келган вақтлар бўлган эди. Уруш ҳозирги кунда охирги восита, эртага эса, уруш жиноят бўлиб қолади» деган гапларини айтиб ўтди. Л. И. Брежнев Марти айтган «эртага» деган гап бизнинг бугунги кунимиз эканлигини ҳақли равишда қайд қилиб ўтди.

Революциямизнинг раҳбари Фидель Кастро ўртоқ Л. И. Брежневни Кубада табриклаб, дейилади Хуан Маринельонинг мақоласида, халқаро кескинликни юмшатиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш ишига СССР халқи ва ҳукумати катта ҳисса қўшаётганлигини кўрсатиб ўтди. Фидель Кастронинг сўзлари Хосе Марти номидаги Революция майдонида ва бутун мамлакатда унинг нутқини эшитиб турган ҳамма кишиларнинг ҳис-туйғуларини ва хоҳиш-иродасини аниқ ифодалаб берди.

Ленин ватанининг ва Марти ватанининг халқлари замонамизнинг энг юксак мақсадига — мустаҳкам тинчликни қўлга киритишга, янги жамият қуришга ва янги кишини тарбиялашга интилмоқдалар, дейилади Хуан Маринельо мақоласининг охирида.



Ҳозир Вьетнам Демократик Республикасида қурувчи касбидек масъулиятли ва шарафли касбни топиш қийин. Уруш жароҳатларини тузатиш, вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни, йўллар ва кўприкларни, саноат корхоналарини тиклаш — бугунги кунда республика олдида турган энг муҳим вазифалардир. Суратда: Хотин-қизлар бригадаси бошлиғи Ле Тхи Туа. Йўл қурилишидаги мардонавор меҳнати учун бу коллективга «Социалистик меҳнат бригадаси» деган юксак унвон берилди.

ВИА-ТАСС фотоси.

## ЧИЛИ МЕҲНАТКАШЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК

12 февралда Чили меҳнаткашлари Бирлашган касаба союз маркази ташкил этилган кунга 21 йил тўлди. Бу кун Касаба союзлари жаҳон федерациясининг қарорига биноан Чили меҳнаткашлари ва халқи билан халқаро бирдамлик куни деб эълон қилинди. Чили меҳнаткашлари Бирлашган касаба союз марказининг йиллиги муносабати билан жаҳондаги ўнлаб касаба союз бирлашмалари Чили касаба союзлари билан, шу мамлакатдаги барча ватанпарварлар билан бирдам эканликлари тўғрисида, хунтанинг террорига қарши, демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар оёқ ости қилинишига қарши, прогрессив сиёсий ва касаба союз арбобларига қарши оммавий репрессиялар тўхтатилишини талаб қилиб баёнотлар беришди.

◆ БЕРЛИН. Эркин немис касаба союзлари бирлашмасининг марказий правлениеси 7,6 миллионлик ўз аъзоси номидан Чили меҳнаткашларига, барча ватанпарварларига Чили меҳнаткашлари Бирлашган касаба союз маркази ташкил этилган куннинг 21 йиллиги муносабати билан қардошларча жанговар салом йўллади.

Эркин немис касаба союз бирлашмаси хунтадан террор тўхтатилишини, Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан ва Чилининг бошқа ватанпарварлари озод қилинишини талаб этди.

◆ ВАРШАВА. Польша касаба союзлари Марказий Совети баёнот эълон қилди. Баёнотда бутун Польша меҳнаткашлари номидан мамлакатда ҳокимиятни зўрлик билан босиб олган Чили хунтасининг жиноят коронаҳаракатлари қаттиқ қораланади.

Польша касаба союзлари Марказий Совети касаба союз арбобларининг, чилилик барча ватанпарварлар ва демократларнинг таъқиб қилиниши дарҳол тўхтатилишини талаб қилди.

◆ ПРАГА. Чехословакия касаба союзлари Чили касаба союзлари ва барча демократик кучларининг социал ва миллий озодлик учун олиб бораётган ҳаққоний курашида улар билан астойдил бирдам эканликларини изҳор қиладилар, дейилади Чили меҳнаткашлари Бирлашган касаба союз маркази ташкил этилган куннинг 21 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Чехословакия Революцион касаба союз ҳаракати Марказий Советининг баёнотида.

ЧССР касаба союзлари фашист террори ва ўзбошимчалиги тўхтатилишини, хунта томонидан турмаларга ва қамоқ лагерларига ташланган Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан ва мамлакатнинг барча ватанпарварлари дарҳол озод қилинишини қаттиқ талаб қиладилар.

◆ СОФИЯ. Болгария касаба союзлари Марказий Совети Чили меҳнаткашлари Бирлашган касаба союз маркази ташкил этилган куннинг 21 йиллиги муносабати билан Чили меҳнаткашлари Бирлашган касаба союз марказининг миллий раҳбарлик кенгашига ва барча Чили меҳнаткашларига табрик телеграммаси йўллади. Болгария касаба союзлари Марказий Совети Луис Корвалан ва касаба союзларнинг ҳамда Халқ бирлиги коалициясининг камоққа ташланган барча арбоблари дарҳол озод этилишини талаб қилди.

◆ ПАРИЖ. Чили меҳнаткашлари Бирлашган касаба союз маркази ташкил этилганлигининг 21 йиллиги муносабати билан бу ерда Умуммеҳнат конфедерацияси, Франция демократик меҳнат конфедерацияси маоирф ходимлари миллий федерацияси делегациялари билан Чили меҳнаткашлари Бирлашган касаба союз маркази делегацияси ўртасида учрашув бўлди. Учрашув чоғида фашист ҳарбий хунтаси террорига қарши кураш олиб бораётган Чили меҳнаткашлари билан бирдамликни кучайтириш масаласи муҳокама қилинди.

(ТАСС).

## телетайп лентасидан

⊙ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Деҳли битимига мувофиқ Покистон ҳарбий асирлари ва ушлаб қолинган граждан шахслардан 889 кишини ватанига қайтарди. Улар Покистон маъмурларига Вагах чегара пункти орқали топширилди.

⊙ КАРОЧИ. Урта Шарқ, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб намойиш парвози ўтказаётган «ТУ-154» совет самолёти Карочи аэропортига қўнди. Маҳаллий журналистлар ва «Пакистан интернэшнл эйрланс» авиакомпаниясининг вакиллари самолётни томоша қилдилар ва ҳаво кемасининг техникавий характеристикалари билан танишдилар. Совет самолёти шу йил июль ойидан бошлаб Москва-Карочи маршрути бўйлаб мунтазам қатнайдиган бўлади.

⊙ ЛОНДОН. Лусакадан олинган хабарларга қараганда, почта посилкасига солиб қўйилган пластик бомба портлаганлиги натижасида озодлик ҳаракатининг биносида Жанубий Африка африкаликлар миллий конгрессининг Замбиядаги вакили ўринбосари Жон Дубе ҳалок бўлган. (ТАСС).



ЯПОНИЯ. Нефть билан савдо қилувчи компаниялар бойлик орттириш мақсадида бензинни омборларга яшириб, унинг нархини оширмоқдалар. Ишланмаган нефть нархи 1973 йилнинг январига нисбатан 300 процент ошиб кетди. Суратда: Токио нўчаларидан бири. Такси ҳайдовчилар ёнилғи олиш учун соатлаб навбат кутмоқдалар.

Жапан Пресс-ТАСС фотоси.

## ЛЕНИН НОМЛИ МАКТАБ

ДАККА. (ТАСС). Бангладеш Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Бангладеш Компартияси Марказий Комитети ҳузурида партия мактабини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мактаб В. И. Ленин номи билан юритилади. Бу ерда партиянинг оддий ва кадр ходимлари назарий тайёргарликдан ўтадилар, марксча-ленинча таълимотнинг асосларини ўрганадилар.

Мактаб ҳузурида сиёсий адабиёт кутубхонаси ташкил қилинади.

Мактаб шу йил март ойида ишлай бошлайди.

## БИРМА ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

РАНГУН, 13 февраль. (ТАСС). Бирма халқи кеча ўзининг миллий байрами — Бирма иттифоқи кунини нишонлади.

Бундан 27 йил муқаддам мамлакатнинг жанубий қисмидаги Панлон қишлоғида мамлакатдаги турли миллат вакиллари ва миллий озодлик ҳаракати раҳбарларининг конференцияси бўлган эди. Шу конференцияда мустақиллик учун ва кўп миллатли ягона давлат тузиш учун курашда ватанпарвар кучларнинг ҳаракат бирлиги тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Революцион кенгаш раиси, Бирма Иттифоқи Социалистик Республикаси бош министри У Не Вин миллий байрам муносабати билан халққа мактуб билан мурожаат қилди. У меҳнаткашларни миллий байрам билан, шунингдек янги конституция қабул қилинганлиги ҳамда давлат ҳокимият органлари — халқ мажлислари ва халқ кенгашларига сайлов ўтказилганлиги билан табриклади. Революцион кенгаш раиси, Бирма Иттифоқи Социалистик Республикасининг бош министри мамлакатдаги барча миллатга мансуб бўлган меҳнаткашларни республика конституцияси асосларини қаттиқ ҳимоя қилишга ва унга риоя этишга, миллий бирликни мустаҳкамлашга даъват этди.

## ИСРОИЛ ҚУШИНЛАРИНИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШНИНГ УЧИНЧИ БОСҚИЧИ ТУГАДИ

ҚОҲИРА, 13 февраль. (ТАСС). Сувайш каналининг ғарбий соҳилидан Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетишнинг учинчи босқичи тугади. БМТ фавқулодда кучлари вакилининг хабар бериши ча, Исроил қуролли кучлари Файид ва Гинейфа аҳоли пунктлари ўртасида жойлашган территориядан кеча олиб чиқиб кетилган. Шу районга кирган БМТ фавқулодда кучларининг бўлинмалари бу районни Миср армияси вакилларига топширадилар.

## КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ!

«ИНТУРИСТ»ДА СУҲБАТ

Республикамизга келаётган чет эллик туристларнинг сони кундан-кун кўпайиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Узбекистонимизга қирқ етти мамлакатдан ўн етти мингдан ортиқ турист келиб кетди.

Биз яқинда туристларнинг ҳақиқий мезбонлари — Бутуниттифоқ акционерлар жамияти Тошкент бўлимида бўлиб, бош таржимон Зигфрид Серафимович Дубровский билан суҳбатлашдик.

— Агар сиз мулоҳазалар дафтарини варақласангиз даставвал кўзингиз «меҳмондўст» сўзига тушади. Иккинчи, ўттизинчи, уч юзинчи бетни очасиз — барибир шу сўз: меҳмондўст... ўзбек халқи. Сўнг ўйлаб кетасиз. Меҳрибон, Етук, Ҳиммати, Маданиятли, Оқкўнгил, Номусли, Дўсту-содиқ, Ўртоқпарвар, Самимий, Тўғри... халқ деганлари эмасмикин?!

Назаримизда, чет эллик дўстларимиз бу сўзнинг маъзини ана шундай чақишганга ўхшайди. Агар тахминимиз тўғри бўлса, мана, сизга бир сўз тагида яширинган олам-олам маъно!

Кўпчилик чет эллик дўстларимиз ўз юртларига қайтиб борганларидан сўнг ҳам бизга ўз таассуротлари ҳақида хатлар йўллаб турадилар.

— Агар мумкин бўлса шу хатлардан баъзиларини шарҳлаб берсангиз.

— Бажонидил. Швециялик Томльссон шундай ёзади: Кўриб ҳавас қилдик. Ҳақиқатан ҳам сизлар Улуғ Советлар мамлакатининг улуғ кишилари экансизлар. Перков (ГДР): Меҳмондўстликни ўзбеклардан ўрганиш керак. Тумминен (Финландия): Оқ пахтангиз ўз оқлигини кўнгилларингиздан «қарз» олган экан.

Ўтган йили келиб кетган меҳмон — туристларимизнинг ҳаммасини ҳам кўнгилдагидек кутиб олиб, кўнгилдагидек кузатиб қўйдик. Янги йилда бундан ҳам кўпроқ туристлар келишини кутяпмиз. Чунки, бу йил республикамизнинг олтин тўйи. Галина Фуфаева, Лиля Алиева, Лиля Фозилбоева, Владимир Сержантов, Владимир Мадиев каби моҳир таржимонларимиз бор экан, меҳмондўстликни жойига қўйиб, тўйга муносиб хизмат қиламиз.

Бўлимимизнинг туристларга хизмат қилиш бюроси ишини ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди. Бюро ташаббуси билан республика Дўстлик жамияти биносида маданият маркази ташкил этганмиз. Марказда туристларга мўлжалланган лекциялар, суҳбатлар, савол-жавоблар, учрашувлар, кечалар ўтказилиб турилади. Республикамиз ҳақида, унинг илғор кишилари ҳақида ҳужжатли фильмлар намойиш этилади. Бугун японияликмеҳмонлар сўрови билан қизиқ бир суҳбат уюштирилди. Суҳбат жуда ҳам жонли ўтди. Туристларимиз миннатдорчилик билдиришди.

Меҳмонларга театрларга бориш учун билет керакми, такси чақириш ёки стол заказ қилишми — ҳамма-ҳаммаси бюро томонидан кўнгилдагидек адо этиляпти.

Яна бир янгилик. Биз яқинда бўлимимиз қошида икки йиллик таржимон — официантлар курсини очдик. Ҳозир курсда етмиш беш киши таълим оляпти. Бизда ҳозир ҳам агар турист ресторанда овқатланадиган бўлса, таржимони ёнида ўтириши керак. Чунки, официантларимиз хизматни жойига қўйишади-ю, бирор чет тилини билишмайди.

Курсимизда ўқиётганларга — инглиз, француз ва немис тиллари ўргатиляпти. Хоҳловчилар бўлса бирданига уч тилни ҳам ўрганиб чиқиши мумкин.

Дарсларни Фридрих Энгельс номидаги Тошкент чет тиллар институтининг малакали ўқитувчилари ва моҳир официантлар биргаликда олиб бормоқдалар.

Чет эллик туристларнинг кўпчилиги саҳна санъатимизга қизиқади. Шундайлари ҳам борки, театрма-театр юриб ҳамма спектакларни томоша қилишга интилади. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Бизда ҳанузгача синхрон таржима яхши йўлга қўйилмаган. Саҳнада кетаётган воқеаларни туристларга таржима қилиб улгуришда қийналяпмиз. Ёш кадрларимиз Москвадаги икки йиллик синхрон таржима курсига юбориб турилса, яхши бўларди.

Ю. БЕРДИЕВ.

# Ўзбекистон Ахборот

ОБЛАСТЛАРДАН ДАРАКЛАР

## Яшил ўрмонлар

ҚАШҚАДАРЁ. Қамаши район ўрмон хўжалиги ходимлари ўрмонзорлар майдонини йилдан-йилга кенгайтирмоқдалар. Улар ўтган йили Чимқўрғон массивида 9 гектар, «Фарғона» совхозида 6 гектарли ўрмонзор барпо этишган эди. Сув ҳавзаси атрофида 14 гектар майдонга ҳар хил кўчатлар ўтказишди. Лўқликўлда яна 8 гектарли яшил ўрмон бунёд этиш мўлжалланди. Бу йил райондаги ўрмонзор 50 гектарга кенгайтирилади.

**М. ЭСОНОВ.**

## Кенг экранли кинотеатр

БУХОРО. Яқинда Ромитан район марказида 400 томошабинга мўлжалланган кенг экранли кинотеатр биноси фойдаланишга топширилди. «Ўзбекистон ССРнинг 50 йиллиги» номи берилган бу янги томошахонани областдаги 20-қурилиш трестининг 5- механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этишди.

**Р. РЎЗИЕВ.**

## Механизаторлар курси

АНДИЖОН. Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхозда район комсомол комитетининг ташаббуси билан ташкил этилган механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курси иш бошлади. Бўлажак «зангори кема» капитанлари тайёрлайдиган курс машғулотларини район қишлоқ хўжалик бошқармасининг мутахассислари олиб бораётирлар.

**О. САТИМОВ.**

## Клуб гавжум

ХОРАЗМ. Чолиш посёлкасидаги клуб меҳнаткашларнинг маданий дам олаётган масканига айланиб қолди. Бу ерда машҳур саналарга бағишланган стенд ва қизил бурчаклар ташкил қилинган. Турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилади.

Посёлкадаги мактаб бадиий ҳаваскорлари вақти-вақти билан концерт қўйиб беришади. Клубга келганлар телевизор томоша қилиб, магнитофон эшитадилар, шахмат-шашка ўйнайдилар. Клуб кутубхонасига 600 га яқин киши аъзо. Бу ерда тез-тез китобхонлар конференциялари, турли мавзуларда кечалар ўтказилиб турилибди.

**Ш. ЖУМАНИЁЗОВ.**

## Колхоз ансамбли

ФАРҒОНА. Ғафур Ғулом номли колхозда бадиий ҳаваскорлик ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Колхоз меҳнаткашларини маданий ҳордиқ чиқаришлари учун яқинда колхозда санъаткорлар ансамбли ташкил қилинди. Ансамблга Ҳошимжон Акбаров раҳбарлик қилмоқда. Ҳаваскорлар яқинда ўтказиладиган область кўригига тайёрғарлик кўраётирлар.

**А. БОБОЕВ.**

* * *

Шунингдек, редакциямизга қашқадарёлик **Қ. Абдумуродов, Ж. Юсупов, М. Душанбе, Ж. Бадалов,** самарқандлик **Т. Шодиёров, Р. Қурбонов,** қозоғистонлик **Г. Маралбоев,** тожикистонлик **О. Мирзаев,** Челябинск шаҳридан **Н. Крохин,** хоразмлик **С. Матёқубов,** фарғоналик **М. Боборахимов, Р. Шоматов, У. Усмонов,** тошкентлик **С. Сандҳосилов,** андижонлик **Т. Эрматов, Б. Рўзиев, С. Мўйдинов,** қорақалпоғистонлик **Н. Алимов** ўртоқлар ҳам шундай хуш хабарлар йўллашган.

Шу кунларда Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикаси дўппи тайёрлаш цехининг чевар тикувчилари тўқкизинчи беш йиллиқнинг тўртинчи, белгиловчи йили топшириқларини барвақт бажариш йўлида астойдил меҳнат қилишяпти. Суратда: (чап дан) цехнинг илғор ишчиларидан Азиза Ғафурова билан Муҳаббат Абдуллаева янги гулли дўппи нусхаси ни кўздан кечиришяпти.

А. Тўраев фотоси.

# ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

*Спортга меҳр қўйганлар*

Юқори Чирчиқ район халқ маорифи бўлимида 10-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Мирза Жумадуллаев ҳақида мана шундай гап бўлди:

— Мирза 33 йилдан буён физкультура дарси олиб боради. У физкультура муаллимигина эмас, маҳоратли спортчи ҳам. Район мактабларидаги жисмоний тарбия ўқитувчиларининг кўпчилиги унинг шогирдлари.

Мактаб спорт залидаги брусьеда қомати келишган йигит физкультура формасидаги ўқувчиларга мураккаб ҳаракатлардан бирини қандай бажариш кераклигини кўрсатарди. Брусьедан тўшакка енгилгина сакраб тушган ўқитувчи Мирзанинг ўзи экан. Мен у кишини 35-40 ёшларда деб ўйлаган эдим. Ўқувчилар бирин-кетин брусьега сакраб чиқиб ўқитувчилари кўрсатган ҳаракатни бажара бошлашди. Икки қўлда тик туриб, сўнгра гир айланиб тушаётган болаларнинг ҳаракатларини кўриб, улар кўпдан буён бу ҳаракатни машқ қилишган дейсиз. Чунки болалар мураккаб ҳаракатни осонлик билан бажаришарди.

— Спорт инвентарларидаги ҳаракатларни яхши бажариш учун фақат машқ қилиш керак. Бир ҳаракатни бир неча бор такрорлаш зарур. Сиз кўриб турган брусьедаги бугунги ҳаракатни дарсдан кейин ва бўш вақтларда, шунингдек спорт секцияси машғулотларида ҳам такрорлаганмиз, — деди ўқитувчи. — Спорт машғулотлари белгиланган вақтда, мунтазам олиб борилмаса, талабаларнинг маҳоратига салбий таъсир қилади.

35-40 ёшларда деган Мирза Жумадуллаевнинг ёши 52 да экан. Мирзани спорт ёшартирган. У 33 йил мобайнида жисмоний тарбия билан шуғулланиб, минглаб ёшларни ҳам физкультура ҳаракатига жалб қилган. У кўп йиллик ўқитувчилик фаолиятида мингдан ортиқ разрядли спортчиларни тарбиялаб етиштирди. Шогирдларнинг кўпчилиги устоз изидан бориб, район мактабларида физкультурадан дарс беришаётир. Араб Рустамов, Аҳтам Шералиев, Абсоат Абдуабсеитов, Ойниса Носирова, Олим Ёдгоровлар шулар жумласидандир. Яна бир шогирди — Равшан Икромов район ёш спортчилар мактабининг директори.

Бу мактаб физкультурачи ўқувчиларнинг область ва республика мусобақаларида яхши натижаларга эришаётганлиги хилма-хил соврин ва ёрлиқлар билан тақдирлангани айниқса қувончлидир. Мактабда ҳозир 300 га яқин йигит-қиз спортнинг 12 тури бўйича машғулотда қатнашмоқда. Волейбол, баскетбол, стол тенниси, бокс, шахмат-шашка каби спорт машғулотлари мунтазам ўтказилиб турибди. Мактабнинг волейболчи, баскетболчи қизлар командаси район биринчилигини эгаллаганлиги мактаб спортчиларини қувонтирмоқда.

Мактаб жойлашган «Политотдел» колхози правленниеси жисмоний тарбияга катта аҳамият бериб, спорт ишлари учун керак бўлган ҳамма имкониятларни яратиб берди. Шу туфайли физкультура ҳаракати ривожлана бориб, сўнгги уч йилда мактаб спортчилари 1, II, III даражали дипломларга 84 марта эга бўлди.

Умрини ёшлар жисмоний тарбиясига бағишлаган педагог, физкультура дарси аҳлоқ тарбияси ҳам бўлиб қолиши керак, деган ғояни олға суради. Олимпиада ўйинининг уч марта чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери, Минск шаҳар радиотехника институтининг доценти А. Медведев билан мактабда спорт дарсини ривожлантириш масаласида хат орқали фикр олишиб туради.

— Спорт билан системали равишда шуғулланиш фақат жисмоний томондан чиниқтирибгина қолмай, у кишида ирода, мақсадга эришиш, интизом, меҳнатни севиш каби хусусиятларни тарбиялайди. Спорт — бу меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат деган сўз. Мирза Жумадуллаев атоқли спортчи А. Медведевнинг бу маслаҳат ва ўгитлари асосида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилади. Бу йил мактабда спортнинг янги тўрт тури билан шуғулланилади. Секция ишларига мактабдаги I ва II разрядли спортчилар раҳбарлик қилади. Колхоз правленниеси қишки спорт зали қуришни мўлжаллади. Мактаб партия ва комсомол ташкилотлари эса спорт шаҳарчаси барпо этишга қарор қилдилар.

**Р. ИСҲОҚОВ.**

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

## АХЛОҚ ВА ОДОБ

# МУОМАЛА — ДИЛ ОЙНАСИ

Инсон маданият деб аталмиш қалб гавҳарини қачон ва қандай қилиб қўлга киритади? Она алласидан дилларга қуйилган шаффоф меҳр чашмасиданми, оталардан завқланиш, ўқитувчига бўлган ҳурмат ва тақлид рамзиданми, китоблардан уққан, одамлардан олган ақлу-фаросатданми, илк севги шарофати билан етилиб, қалб тўрини бир умрга назокат ва эзгуликка бўркаган бахтиёрлик нашидасиданми?!.. Ҳаммасидан!

Инсон яхшилик ва эзгуликни ҳаётдан ўрганади, яна ҳаётга қайтаради. Муомала маданияти ҳам кичик одатлардан тўпланади, бу одатлар катта фазилатлар даражасида етилиб, кишилар билан ўзаро муносабат, алоқа ва ҳамжиҳатликда кўл келади, инсон маънавий дунёси, одоб ва ахлоқнинг кўрки сифатида амал қилади.

Муомала — одамларни бир-бирига боғловчи, асрлар мобайнида кишиларнинг маънавий юксалиш салоҳиятини кўрсатувчи дил ойнаси ҳисобланади. Унда кишининг ё маданий туйғулари, одоб ва ахлоқий тушунчаларининг кўркамлиги акс этади. ё руҳий қашшоқлик ва ахлоқий дағаллик зикр этади.

Заррача ноҳушликдан кўнгил ойнаси хира тортиши, ўйламай айтилган икки оғиз сўз вужудингни остин-устин қилиши мумкин. Ўғлингизнинг ногоҳон қилган қўполлигидан бугун дил ғиёлангиз дарз кетса-ю, унга аҳамият бермасангиз, эртага бу дағалликдан мактаб деразалари синади, сўнгра вояга етган бу йигитнинг қилмишлари кишиларнинг кўзига зирапча бўлиб қадалаверади...

Инсоннинг муомала маданияти ҳаёт каби серқиррадир. Беморни кўриб келишдек оддий бир воқеани олайлик. «Бугун чеҳрангиз ёруғ» дедингиз бемор қошига келиб. Унинг кўзларида нур ўйнайди. Бемордан кўнгил сўраш қанчалик одоб ва муомала маданиятидан дарак бермасин, лекин унинг қошида узоқ қолиб кетиш, олди-қочди гапларни эринмай қиқоя қилиш ёки бефаросат тарзда қаттиқ кулиб, шовқин кўтариш шунчалик маданиятсизлик аломатидир.

Халқимиз узоқ асрлар мобайнида муомала маданиятининг ёзилмаган минг жилдли одоб рисоласини яратган. Бу анъаналар, одатлар онгимизни эзгуликлар ила чирмаб олиб, уларга шу қадар кўникиб, худди ҳаво ва сувдай ўрганиб қолганмиз.

Эшикдан йўқлаб келган кишини ҳар қандай вазиятда ҳам самимий қарши олишга интиламиз. Еки қўшнимиз нимадир сўраб чиқди, бўлса молим, бўлмаса жоним қабилида қўшни кўнглини кўтаришга уринамиз... Аммо, гоҳо бошқача муомалалар, муносабатлар ҳам бўлиб туради. Айтайлик, бир аёл хизматдан қайтди. Кечки овқат тараддудида. Яна уйларни йиғиштириб олиш нияти ҳам бор. Шу орада қўшни хотин чиқиб қолди. Одоб юзасидан уни кутиб олади. Қўшни эса хизматчи аёлнинг вақти билан ҳам, кайфияти билан ҳам ҳисоблашмай, кун бўйи кўнглига тугилиб ётган тугун чигалини бир бошдан еча бошлайди.

Ҳамсуҳбатнинг раъйига қарамай, у шошяптими, гапни эшитишга хоҳиши борми, йўқми, йўл устида уни кўп сўзлаб, гапни чўзатиб, ушлаб туриш ҳам юқоридагидек одобсизликнинг нишонаси.

**Кимки кўп сўзлайди**
**бешарму хаё**
**Тополмас иззату обрў**
**эл аро.**

дейди А. Фирдавсий.

Бир аёл танишини учратиб, унга дилини тўкиб солди. Таниши эса унинг ҳасратини сиртига ҳам юқтирмай бепарво йўлида кетиб борарди. Ахир, у одам сизни ўзига яқин олиб дардлашди, кўнглини ёзди. Наҳотки бисотингизда кўнгил кўтарадиган икки оғиз сўз топилмаса?! Бировнинг дардига, тақдирига нисбатан совуққонлик, бепарволик ёмонлик ва худбинликка қиёс.

Кищи ўз ҳатти-ҳаракатлари, гап сўзларига талабчан бўлса, вақти-вақти билан ўз хулқ-одоби, кишиларга бўлган муомаласи хусусида ўз-ўзига ҳисоб берса, фалон суҳбатда ёки фалон учрашувда ўзимни қандай тутдим, фалон сўзимни бошқа майинроқ, чиройлироқ қайси сўз билан алмаштирсам бўларди, деб бош қотирсаю, ўша мос сўзни топса, нур устига аъло нур бўларди. Саъдий Шерозий айтганидек,

**...Сен ўзингни агар қойий**
**билсанг хўп,**
**Бошқалар қойишни**
**эшитмайсан кўп.**

Кишининг кимлиги, хулқ-одоби, маданияти кўпчилик орасида айниқса кўзга тез чалинади. Баъзида кўпчилик орасида ўтириб, шу кўпчиликка тушиниарли бўлмаган тилда гаплашиш холлари бўлади. Ёнидаги кишига орқа ўгириб, бошқа бир киши билан қуюқ суҳбатлашиш, транспортга чиқаётганида олди-орқага қарамай, ёш қарини туртиб-суртиб ўтиш, бир вагон одам эътиборини ўзига тортиб шаннгиллаш каби ҳатти-ҳаракатларнинг нақадар хунук эканини айтиб ўтиш шартмикан?!

Ҳар қанча ширин сўз, бировга бўлган яхшилик, илиқ муомалани баланд овоз билан изоҳ қилиб кўринг-а. Ёки сўзлашувда ургу, интонацияга риоя қилмай кўрингчи! Бу яхши ният билан айтилган ҳар қандай яхши гапнинг ҳам маъносини бузиб юбориши ҳеч гап эмас. Вазминлик билан, муҳим сўзларга ургу билан гапирсангиз гапингизнинг таъсир кучи ортади.

Муомаладаги нозиклик ва қўпол лик бир томондан кишиларнинг характери, кайфиятига боғлиқ бўлса, иккинчидан, уларнинг бир-бирларига бўлган эътибор ва эътиборсизликларига ҳам боғлиқ. Кимгадир эътибор қилдингиз, эътибор бермади, кимгадир билдирган иззат-икромингиз қадрланмади, изза бўлдингиз. Кимдир кимнингдир оромини бузди, лекин бир оғиз кечирим сўрамади... Кўзингиз сиз билан суҳбатлашаётган кишида-ю, ҳаёлингиз бошқа ёқда. Бировнинг гапини эшита туриб, газета варақлайсиз, тиш кавлайсиз, эснаб, керишиб ўтасиз. У ёқ-бу ёққа аланглайсиз... Сўзни бўлиш, гапга аралашиш, луқма ташлаш одоб рисоласига мутлақо сиғмайди.

Бир хонадоннинг дастурхони атрофида ўтириб, бошқа бир оила бекасининг пазандалиги, меҳмондўстлигини мақташ ҳам шу хонадон бекасига билдирилган эътиборсизлик. Виласизки, ҳар бир хонадонда сизнинг меҳмон бўлишингиз — бемалол ўтиришингиздан тортиб, лаззатли таомлар ейишингизгача шу хонадон бекасининг меҳнатига, илтифотига боғлиқ. Ҳар бир аёл ўзига хос дид, фаросат билан, ўз шаронти, имкониятидан келиб чиқиб, дастурхон тузайди, меҳмон кутади. Меҳмон томонидан шу хонадон бекасига билдирилган эътибор меҳмоннинг мезбонга билдирган миннатдорчилигининг гўзал ифодасидир.

Ҳушмуомалалик, самимият, ҳурмат кишилар орасида иллиқлик, меҳр-муҳаббат, дўстлик кўпригини қуради. У кишида энг яхши ҳислатларни тарбиялайди, камол топтиради. Шунинг учун ҳам дилкаш, ҳушгап кишилар билан суҳбатлашиш ҳам, меҳмонда ёнма-ён ўтириш ҳам, қўшни бўлиш ҳам, қўйинг-чи, бирга яшаш, биргаликда меҳнат қилиш ҳам мароқли, ҳам катта бахтдир.

**Дилбар МАҲМУДОВА.**

# ГРУЗИЯ ССР БЎЙЛАБ

*ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДАН ДАРАКЛАР*

## Яхши самаралар

Зестафондаги «Грузкабель» заводининг коллективи Димитров номидаги авиация, Ленин номидаги ТЭВЗ, «Магнитафон» ва Тбилисидаги керамика заводлари коллективларининг «Беш йиллиқнинг белгиловчи йилига зафардор меҳнат» юзасидан умумхалқ социалистик мусобақасини бошлаш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Кабелчилар бу йил ўз зиммаларига оширидган мажбурият олдилар. Улар планни 28 декабрга адо этишга қарор қилдилар. Пландан ташқари 400.000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш чўзда тутилган. Бу йил заводда олтита янги ускуна ва иккита поток линияси ўрнатилади ҳамда ишга туширилади. Натижада меҳнат унумдорлиги олти процентга ошади. Маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 6.800 сўмлик маблағ тежалади, хом ашё ва электр қувватини эҳтиёткорлик билан ишлатиш ҳисобига 50.000 сўм тежаб қолиш мажбурияти олинди.

## Муддатидан илгари

«Грузнефтеснабсбит» бошқармасининг Болниссқ нефть базасида янги комплекс фойдаланишга топширилди. Республика Қурилиш министрлигининг 7-қурилиш-монтаж трести коллективи уни бир йил ўрнига етти ой ичида қуриб битказди.

## Янги қурилишлар

Горий районидаги чорвачилик хўжаликларида моддий-техника базаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда Атенни қишлоғидаги колхозда бузоқлар учун қурилган янги бино фойдаланишга топширилди. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнлари тўла механизациялаштирилган. Карби қишлоғидаги колхозда қурилаётган бузоқхона ҳам битай деб қолди. Зегдулети ва Хидистави қишлоқларидаги колхозларда ҳам янги чорвачилик объектлари барпо этилаётир.

## Оила қувончи

Гудаут районидаги Ааци қишлоғида яшовчи колхоз аъзоларидан Азиз ва Наталья Авидзбалар оиласида қувончли воқеа юз берди. Бирданига уч опа-сингил туғилди. Уларга Жужуна, Тамара, Гуғуца деган исмлар қўйилди. Бу исмлар район касалхонасидаги медицина ҳамшираларининг номларидир. Ҳозир Авидзбалар оиласида фарзандлар олтитага етди.

Ааци қишлоғи.

ТАБИАТШУНОС ЕН ДАФТАРИДАН

## ҚИЗИЛТАСМА

Гиёҳлар олами бой ва хилма-хилдир. Уларнинг ҳар бири қимматли, ўзига яраша ҳосияти бор. Мана, қизилтасма гиёҳини олайлик. Бир йиллик ўт-ўлан ҳисобланган бу ўт экинзорларда, йўл ёқаларида ўсади. Таркибида ошлов моддалари, смола, эфир мойи, глюкозид, витамин, каротин бор.

Халқ медицинасида унинг шарбатини ичкетар, қон тўхтатиш, ични тозалашда ишлатилади. Шарбатидан яна тери касалликларини даволашда фойдаланилади.

Барги бадандаги шишларни даволашда, медицина фанида ҳам кенг қўлланилади. Бу ўсимлик май, июнь ойларида гуллаб, сўнг уруғлайди. Мана шу вақтда уни ўриб, соя жойда қуритиб олинади ва қоғоз қопларга солиб сақланади.

**М. ТУЙЧИЕВ.**

ҲОДИСА

## БЎРИ БИЛАН ОЛИШУВ

Ферма молларига ем-хашак ташийдиган шофер Парда Абраев кеч қолди. У Бобиртепага тун ярмида келаётган эди, молхона томонга югуриб кетаётган бир нарсага кўзи тушди.

— Бўри бўлса керак, — деди Парда Абраев ва машина чироғини ўша томонга тўғрилади Машинанинг тезлигини оширди. Шофер ҳато қилмаган экан. Молхонага кетаётган бўри машина ёғригда шоферга ҳужум қилмоқчи бўлди. Парда катта бир темирни олиб йиртқичга ташланди. Кетма-кет тушган темир зарби бўрини ер тишлатди. Чапдаст шофер йўлда учраган ўлжани машинага ортиб фермага олиб келди.

Қамаши район Фрунзе номли колхоз правленниеси Парда Абраевга ўлжаси эвазига мукофот берди.

**Э. БОЙСУНОВ.**


# Реклама ва эълонлар

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАРИ

## РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ СИЗГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, ШУ ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ВА «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИ ЧИҚА БОШЛАДИ.

Бу газеталар саҳифаларида турли-туман эълон ва реклама лар босиб чиқариш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Сиз ишчиларни қабул қилиш, машина ва ускуналарни ҳарид қилиш, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш, турли машина ва ускуналарни ремонтга қабул қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини савдо ташкилотларига реализация қилиш ва ҳоказолар тўғрисидаги эълонларни ана шу газеталарга беришингиз мумкин.

**Сизнинг истагингизга кўра, реклама ёки эълонлар тексти расмлар билан безатилиши. шеър, очерк ёки корреспонденция шаклида берилиши мумкин.**

Эълон ва рекламаларингиз айни бир вақтда икки газетада «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида ўзбек тилида ва «Сельская правда» газетасида рус тилида босиб чиқарилади.

ЭЪЛОН ВА РЕКЛАМАЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА ЮБОРИНГ:

**Тошкент шаҳар, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй,**

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг эълонлар бўлими.

Эълон ва реклама юборганингизда хатингизда расчётний счётлар номерини, Давлат банки бўлимини ва ташкилотингизнинг аниқ адресини ёзишингизни сўраймиз.

**ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ.**


## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00— МОСКВА. 18.05 — ТОШКЕНТ. 18.10 — «Мардлик — мангулик». 18.40 — Концерт. 19.20 — «Ахборот». 19.35 — Социализм дунёси (Москва). 20.05 — Партком ва муқобил план. 20.30 — Шеърият мухлисларига. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 21.20 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Тележурнал. 22.40 — **Танбур навоси** (музикали лавҳа). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 12.00 — **Инженер Прончатов.** (бадиий фильмнинг 2—3-сериялари). 18.05 — МОСКВА. 18.10 — Янгиликлар. 18.20 — «Орленок» телестудияси кўрсатади. 19.05 — «Шеърият». 19.25 — Мультфильм. 19.35 — Ўқув кўрсатуви. 20.05 — МОСКВА. **Насриддин Бухорода** (бадиий фильм). 21.30 — Рақслар зали. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик» студияси кўрсатади. 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Фильм-концерт. 20.00 — Ўт билан ўйнашманг. 20.20 — **Солдат қалби** (бадиий фильм)

## КИНО

**Неретвадаги жанг** (2 серия)— «ЎЗБЕКИСТОН» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

**Яшасин муҳаббат!** — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

**Ромео ва Жульетта** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 16.00, 20.00), **Билим уйи** (14.30, 17.00, 19.45).

**Шаҳарлар ва йиллар** — «ВОСТОК» (16.00, 19.00), «МОСКВА» (13.30, 16.00, 18.30).

**Ютқазилган ўйин** (тоқ соатларда), **Танҳо ўзинг** (жуфт соатларда) — «ДРУЖБА».

**Анупама** — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

**Тилла зирак** — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

**Осмон йироқ, ер қаттиқ** — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

**Оливер** (12.00, 18.00), **Гойя** 15.00, 20.45) — «ЧАЙКА».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати ва ишлар бошқармаси партия бюролари ва маҳаллий комитетлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири М. И. Искандаровга акаси

**Мирзадавлат ИСКАНДАРОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Кибернетика институти коллективи институт катта илмий ходими Ғ. Ҳатамқуловга онаси

**Амина ҲОШИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС 700.029. ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142 коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 03235. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583 № 39.